

**А. АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА ЎРГАТИШ
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28/3012.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА ЎРГАТИШ
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

МУРОДОВ ЭРКИН ЭРГАШЕВИЧ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ БИТИРУВЧИЛАРИ
ЭГАЛЛАШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ
ҲАЁТДА ҚЎЛЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (Phd)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Муродов Эркин Эргашевич

Умумий ўрта таълим битирувчилари эгаллаши лозим бўлган компетенцияларни
хаётда қўллаш механизмларини такомиллаштириш 3

Муродов Эркин Эргашевич

Совершенствование механизмов применения в жизни компетенций,
необходимых выпускникам общего среднего образования..... 25

Murodov Erkin Ergashevich

Improving of the mechanisms of applying the competencies in life that should
be acquired by graduates of general secondary education.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....49

**А. АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА ЎРГАТИШ
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28/3012.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА ЎРГАТИШ
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

МУРОДОВ ЭРКИН ЭРГАШЕВИЧ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ БИТИРУВЧИЛАРИ
ЭГАЛЛАШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ
ҲАЁТДА ҚўЛЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (Phd)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023 .

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация
комиссиясида B2022.4.PhD/Ped4273 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.avloniy.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юлдашев Максуд Абдуллаевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Халиков Аъзам Абдусаломович
педагогика фанлари доктори, профессор

Ахмедов Муроджон Убайдуллаевич
педагогика фанлари буйинча фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Фаргона давлат университети

Диссертация химояси А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий тадқиқот институти хузуридаги DSc.28/3012.2019.Ped.68.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «4» 07 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 246-06-67; e-mail: avloniy@xtv.uz.)

Диссертация билан А. Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (156783 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 246-06-67.

Диссертация автореферати 2023 йил «21» июн кuni тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли ресстр баённомаси)



М.А. Юлдашев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси д.ф.д., профессор

М.Д. Пардаева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, PhD

Ш.И. Пахрутдинов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнлари ва жуда тез суръатларда ўзгариб бораётган инновацион технологиялар, инсоният ҳаётида трансформация жараёнларининг тезлашуви, меҳнат бозорига бўлган талабларнинг ортиши, янги касбларга эҳтиёжни юзага келтирмоқда. Бу эса, умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини касбга тайёрлаш тизими бошқарув механизмларини такомиллаштиришни даврнинг ўзи такозо этмоқда. Жуда тез янгиланаётган технология даврида таълим тизимида ўзгаришларни, янгича ёндашувларни вужудга келтирмоқда, қолаверса умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини, айниқса, уларни кейинги ҳаётида касб-хунар ўрганиши орқали рақобатбардош кадр бўлиб тайёрланишида, янги технологик ўзгаришларга мослашишида, улар учун муҳим бўлган ҳаётий кўникмаларни ўзлаштириш механизмларини такомиллаштириш ва ривожлантириш тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда ҳам узоқ муддатга мўлжалланган стратегик тараққиёт дастурларида энг устувор йўналишлардан бири ҳам ўқувчи-ёшларни касб-хунарга йўналтириш орқали ҳаётда муносиб ўрин топиш ва фаровон ҳаётга эришишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2022 йил 20 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида таълим соҳасидаги навбатдаги муҳим йўналиш, бу – ёшларнинг замонавий касб-хунар эгаллаши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат эканлигига эътибор қаратиб, мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келаётгани ҳаммани ўйлантириши кераклиги, шу боис, мактаб битирувчилари камида 2 та хорижий тил ва касб-хунарга эга бўлиши зарурлигини таъкидлаган эдилар.¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 11 майдаги ПФ-134-сон ҳамда “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2023 йил 28 февраль ПФ-27-сон Фармони ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.“Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иктисодий, маданий, маънавий-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси (29.12.2020) // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Умумий ўрта таълим муассасалари битирувчилари эгаллаши лозим бўлган компетенцияларни ҳаётда қўллаш механизмларини такомиллаштиришга оид илмий изланишлар Ўзбекистонда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ва жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олимлари томонидан тадқиқот олиб борилган.

Ўзбекистонда ўқувчиларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш, уларни касб-хунарга ўргатишга оид бир неча тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Р.Джураев, У.Иноятов, У.Бегимкулов, С.Турғунов, Ж.Йўлдошев, Ш.Қурбонов, О.Мусурманова, Э.Сеитхалилов, М.Мирсолиева, Х.Рашидов ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган².

Бирок, айнан умумий ўрта таълим муассасалари битирувчилари эгаллаши лозим бўлган компетенцияларни ҳаётда қўллаш ҳамда касб-хунарга ўргатиш жараёнларини бошқариш механизмларини такомиллаштиришга оид муаммоларга оид илмий ишлар кам учрайди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларида замонавий билим, кўникма ва компетенцияларни шакллантириш муаммолари юзасидан Т.Базаров, А.Деркач, И.Зимняя, Э.Зеер, В.Зверева, Ю.Васильев, В.Лазарев, В.Сластенин, Г.Абдрахманов, В.Топоровский, А.Моисеев, М.Поташник, П.Третьяков, Т.И.Шамовалар томонидан ўрганилган.

Уларнинг тадқиқотларида “Битирувчи модели” ҳақида фикр юритилади. Унда бу мактаб фаолиятининг асосий йўналишлари доирасида ўқувчиларнинг компетенцияларини аниқлаштириш орқали уларни касб-хунар танлаш имкониятлари ҳақида фикрлар илгари сурилган.

Шу билан бирга, “Битирувчи модели” одатда ҳар бир мамлакатнинг тараққиёт стратегияси ва таълим сиёсатидан келиб чиқиб турлича бўлишлиги туфайли унинг самарасини баҳолаш бир оз қийин масала эканлигини таъкидлашимиз лозим.

Жаҳонда мавзуга оид бўлган муаммонинг илмий-назарий масалалари бўйича В.Cole, E.El-Khawas, J.Goldberg, L.Harvey, D.Westerheijden каби хорижлик олимларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган. Шунингдек, ўқувчиларнинг кўникма ва компетенциялари тадқиқотчилар М.Бялик ва Ч.Фаделнинг “XXI асрда ўқувчилар қандай билимларни эгаллашлари керак?” номли мақоласида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, характер ва метабилиш кесишмасида баҳс юритади.

² Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. – Тошкент, “Voriz-Nashriyot”, 2012. – 167 б.; Мирқосимов М. Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 159 б.

Бирок, битирувчилар касбий компетенцияларига таъсир қилувчи бошқа омилларни, масалан, таълим тизими, таълим сиёсати ва ислоҳоти ҳамда ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари кўрсатиб ўтилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши А.Авлоний номидаги Педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Мақтаб таълими тизимидаги методистлар, мактаб директорлари ва синф раҳбарларининг малакасини ошириш таълим мазмунини такомиллаштириш” доирасидаги “UPGRADE” илмий-амалий лойиҳаси ҳамда UNICEF лойиҳаси асосида “Мақтаб таълими ходимларининг малака рамкасини ва касбий стандартларини ишлаб чиқиш” лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим муассасалари битирувчилари эгаллаши лозим бўлган компетенцияларни ҳаётда қўллаш механизмларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифаси:

умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган касбий кўникмалар борасидаги назарий ёндашувларни ўрганиш ва касбга йўналтирилган таълимнинг илмий қарашларини очиб бериш;

умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий кўникмалари шаклланишига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш;

умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари эгаллаши лозим бўлган касбий кўникмаларни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш борасида тажриба-синовлар натижалари асосида хулоса ва таклифлар бериш;

умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини касбга йўналтириш жараёнини бошқаришни ташкил этиш шакл, метод ва воситаларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим муассасалари битирувчилари эгаллаши лозим бўлган компетенцияларни ҳаётда қўллаш механизмларини такомиллаштириш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети умумий ўрта таълим муассасалари битирувчилари эгаллаши лозим бўлган компетенцияларни ҳаётда қўллашнинг шакл, метод ва воситаларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида тадқиқот жараёнида мавзуга алоқадор илмий адабиётлар ва илмий-тадқиқот ишларни киёсий ўрганиш, тизимли таҳлил, анкета сўровномалари, суҳбат, кузатиш, математик-статистик маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўқувчиларнинг касбга йўналтириш жараёнларини бошқариш ўқитиш самарадорлиги (X1), таълимдан қониқиши (X2), муваффақият мотивацияси (Y), ўзлаштириш даражаси (Z) каби ўзгарувчан омилларнинг эмпирик продуктивлиги валидидигини бевосита ҳисобга олиш орқали аниқлаштирилган;

Ўқувчиларни касбга йўналтириш жараёнларини амалга ошириш мазмуни метакогнитивликка асосланган ўқув-билишга доир (ўқиш, ёзиш, математик, табиий-илмий саводхонлик), ижтимоий-ҳиссий (ўз-ўзини бошқариш, коммуникативлик, интилувчанлик) кўникмаларнинг касбий (жамоада ишлаш, буюртмачига йўналтириш, иктисодий самарадорликни белгилаш) компетенциялар билан интегративлик даражасини қатъий белгилаш орқали такомиллаштирилган;

Ўқувчиларни касбга йўналтиришнинг ташкилий-функционал моделининг жараёни-баҳоловчи компонентлари анъанавий ва дуал ўқитиш тизимини уйғунлаштиришга йўналтирилган витаген (ҳаётий тажриба), прагматик (амалий йўналтирилган), ижтимоий-касбий тренинг каби технологияларни ижтимоий, маданий ва лингвистик баҳолаш билан қайта алоқаси идентивлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

Ўқувчиларни касбга йўналтириш жараёнларини бошқариш механизми умумий ўрта таълим, профессионал таълим, ишлаб чиқариш корхоналарининг интеграциясини таъминлашга хизмат қиладиган электрон тизим (<http://kasb.maktab.uz>, <http://profnavigator.uz>) эргономиясининг интерактивлик даражасини вертикал ва горизонтал йўналишларда кенгайтириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури асосида умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини камида битта касбга ўргатиш йўлга қўйилган;

умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг келгуси карьерасини белгилаш ҳамда касбий лаёқатини аниқлаш, касбларнинг иктисодий самарасини ўз ичига олган Касбга йўналтириш бўйича мактаб ўқувчилари учун қўлланма (“Касблар каталоги”) тайёрланган;

Ўқувчиларни келажак касбларини танлашда, карьераларини белгилашда ва бизнес лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашувчи <http://kasb.maktab.uz> электрон платформаси ишга туширилган;

Ўқувчиларнинг касбий лаёқатини аниқлаш, диагностикадан ўтказиш ва уларни таҳлил қилиш учун <http://profnavigator.uz>; электрон платформаси яратилган;

умумий ўрта таълим мактабларида 10–11-синф ўқувчиларини кизики-

ши ва касбий лаёкатига кўра касбга йўналтириш жараёнларини бошқаришни ташкил этиш бўйича 3 та йўналишдаги механизм жорий этилган:

1-йўналиш: профессионал таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўқувчиларни ишчи касбларга ўргатиш;

2-йўналиш: “Ёшлар келажагимиз” жамғармаси орқали ўқувчиларни тадбиркорликка ўргатиш;

3-йўналиш: “Рақамли авлод” лойиҳаси доирасида ахборот технологиялари ва “креатив индустрия” йўналишида ўқувчиларни замонавий касбларга (фрилансер, дастурчи, дизайнер, логистика хизмати) ўргатиш.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида педагогик-психологик манбалар ўрганилганлиги, илмий ишда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли бошқарув идоралари томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини мустақил ҳаётга тайёрлашда касбий кўникмалар мазмун-моҳияти, уларни ҳаётда қўллай олиш механизмларини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари ва меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб, касбга йўналтириш борасида ўқув-услубий ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, бошқарув муҳити ва бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим муассасалари битирувчилари эгаллаши лозим бўлган компетенцияларни ҳаётда қўллаш механизмларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

ўқувчиларнинг касб-хунарга бўлган қизиқиши ва мойиллигидан келиб чиқиб иккинчи хорижий тил ҳамда замонавий касбларга ўргатиш асосида касбга йўналтиришга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларига иккинчи хорижий тил ҳамда замонавий касбларга ўргатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилишида фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Мақтаб ва мақтабгача таълим вазирлигининг 2023 йил 1 майдаги 02-02/2-574-сон маълумотномаси*). Натижада ҳар бир туман (шаҳар)нинг биттадан умумий ўрта таълим муассасасининг ўқувчилари 10-синфдан бошлаб Миллий малака рамқасининг 2-даражасига мос бўлган касб-хунар-

ларга ўқитилиши амалиёти йўлга қўйилган;

умумий ўрта таълим мактабларида касб-хунарга ўргатиш курсларини ташкил этиш тартибини жорий этишга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилишида фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Мактаб ва мактабгача таълим вазирлигининг 2023 йил 1 майдаги 02-02/2-574-сон маълумотномаси*). Натижада касб-хунарга ўргатиш курсларини муваффақиятли тамомлаган мактаб ўқувчиларига ўз бизнесини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш амалиёти жорий қилинган;

умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг касб-хунарга бўлган қизиқиши ва мойиллигидан келиб чиқиб ишчи касбларга, тадбиркорликка ҳамда ахборот технологиялари ва “креатив индустрия” йўналиши бўйича замонавий касбга ўргатиш механизмларини жорий қилиш тамойиллари ишлаб чиқилган (*Ўзбекистон Республикаси Мактаб ва мактабгача таълим вазирлигининг 2023 йил 1 майдаги 02-02/2-574-сон маълумотномаси*). Натижада умумий ўрта таълим мактабларида юқори синф ўқувчиларининг ишчи касбларга, “Ёшлар – келажакимиз” жамғармаси орқали тадбиркорликка, ахборот технологиялари ва “креатив индустрия” йўналишлари (веб-дизайнер, дастурчи ва бошқалар) бўйича касбларга ўргатилиши жорий қилинган;

умумий ўрта таълим муассасаси ўқувчиларини касбга йўналтиришда “Умумий ўрта таълимни ўқувчи ёшларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш модели” ишлаб чиқилган (*Ўзбекистон Республикаси Мактаб ва мактабгача таълим вазирлигининг 2023 йил 1 майдаги 02-02/2-574-сон маълумотномаси*). Натижада умумий ўрта таълим муассасаси ўқувчиларини иш ва ҳаётга тайёрлаш учун касбий билим ва техник малакаларини ошириш механизмлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация асосий қисмининг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий-тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Умумий ўрта таълим муассасалари битирувчилари эгаллаши лозим бўлган компетенцияларни ҳаётда қўллаш механизмларини такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари” деб номланган биринчи бобида умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари эгаллаши лозим бўлган компетенцияларнинг назарий асослари, бу борада олиб борилган ишлар таҳлил қилинган, замонавий билим ва кўникмаларнинг турлари, уларни ўзлаштириш, ўқувчиларнинг касбий кўникмаларига таъсир қилувчи омиллар, таълим сифати, касбий кўникмалар борасидаги миллий ва халқаро стандартлар ўрганилиб, мазмунан очиб берилган.

Мазкур бобда тадқиқотнинг илмий ва амалий муаммоси ҳақида бир қатор маълумотлар берилган:

– умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари эгаллаши лозим бўлган компетенцияларнинг назарий-методик механизмлари изчил яратилмаган, таълим жараёнида назарий билимлар амалий ҳаёт билан боғланмаган ҳолда ўқитилмоқда, ўқувчилар эгаллаётган билимлари уларнинг касбий кўникмаларини шакллантиришга самарали хизмат қилмаяпти;

– касбга йўналтириш тизими афсуски, ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш хусусиятлари, меҳнат бозори талаблари ва мутахассисларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб белгиланмаган, Масалан, Фарғона вилоятгида Риштон тумани, Маргилон ва Қўқон шаҳарлари миллий хунармандчиликка ихтисослашган, ёки Бешарик ва Олтиарик туманлари боғдорчиликка ихтисослашган, афсуски таълим муассасаларида бу каби касблар ўргатилмайди, уларга оилавий тадбиркорлик сифатида қаралади ёки “Устоз-шогирд” сифатида йўналтирилади;

– умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, касбий кўникмаларга ўргатиш бўйича яхлит тизим мавжуд эмас, ўқув режада 21 та фан бўлса, шундан 2 та фандагина (технология ва информатика) касбга ўргатиш мумкин;

– умумий ўрта таълим муассасалари 9-синф ўқувчиларини касб-хунар мактабларига селекцияси тўғри ташкил этилмаган, яъни ўқувчилар кизиқишлари ва лаёқатига қараб касбларга йўналтирилмаяпти;

– касб-хунар мактаблари, касбларга ўргатиш марказлари, яъни мономарказлар, ўқув марказлари, IT (Ай-Ти) марказлар ҳам мактаб билан боғланмаган;

– касбга ўргатиш тизимининг иктисодий самараси аввалдан режалаштирилмаяпти, ўқувчилар даромад топишга йўналтирилмаган;

– ўқувчиларни касбга йўналтиришда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари самарали татбиқ этилмаяпти.

Диссертация ишининг ушбу бобида мавзу юзасидан илмий-тадқиқотлар таҳлил қилинган. А. Раджиевнинг тадқиқотларида ҳам танқидий фикрлашга алоҳида урғу берилган. Унда танқидий фикрлаш замонавий шахснинг жуда муҳим ва келажакдаги профессионал кўриниши сифатида эътироф этилади.

Т.Е. Солодованинг тадқиқотларида мактаб ўқувчиларини мустақил ҳаётга тайёрлашда касбий билим ва компетенциялар борасида кўплаб фикр ва ёндашувлар берилётган. У битирувчи касбий билим ва компетенциясининг мазмун-моҳияти, битирувчи модели, битирувчиларга қўйиладиган талаблар ва уларни ўзлаштириш усулларини ўрганган. Шунингдек, Т.Е. Солодова фикрича, битирувчи модели – касбий фаолиятнинг маълум бир усули учун мотивацион, ахборот-мазмунли, оператив ва рефлексив тайёргарлигини, шунингдек, касбий тайёргарлик турларини тавсифловчи шахсий фазилатларнинг “компетенция” ва “компетентлик” тоифаларида тизимли ва ҳар томонлама лойиҳалаш шаклидир. Тадқиқотчи М. Алтыбаеванинг фикрига кўра, битирувчи модели сифатида касб-хунар таълими тизимидаги таълим муассасасида ўқиш натижасида олинган ва унинг шахсий ва касбий фазилатларини ўзида мужассам этган бўлажак мутахассис шахсиятининг илмий асосланган, бағафсил тавсифи тушунилади.

Тадқиқотчилар М.Бялик ва Ч.Фаделнинг “XXI асрда ўқувчилар қандай билимларни эгаллашлари керак?” номли мақоласида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, характер ва метабилиш кесишмасида баҳс юритади. Тадқиқотчи Patrick O’Donnell мақоласида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари мустақил ҳаётга ўтишда қандай фазилатларга эга бўлиши керак саволига бир нечта тадқиқотчиларнинг фикрларини жамлаган ҳолда, уларни қуйидагилар деб кўрсатади: асосий кўникмалар ва билимлар: саводхонлик, арифметик ҳисоблаш ва технология; кенгайтирилган таркиб: ижтимоий тадқиқотлар, фанлар, тиллар, санъат, кодлаш ва бошқалар; танқидий билимлар: фикрлаш, муаммоларни ҳал қилиш, дизайн фикрлаш, ижодкорлик, ахборот таҳлили; ижтимоий-ҳиссий: ўсиш тафаккури, қатъият-лилиқ, ўз-ўзини англаш, жамоада ишлаш ва ҳамкорлик.

Илмий-тадқиқот ишида XXI асрда умумий ўрта муассасалари ўқувчи-

ларининг касбий кўникмалари борасидаги илмий ишлар таҳлил қилинган ва касбий кўникмаларини ўқитиш-ўрганиш моделлари, уларнинг аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Унда билим, кўникма, характер ва метабелиш XXI аср кўникмаларини ташкил этилиши ҳақида атрофлича маълумот берилган. Таълимни бошқариш ва ўқитиш сифати битирувчиларнинг фанларни ўзлаштиришнинг муҳим жиҳати эканлиги баён этилган. Умуман, ўқитувчиларнинг ўқитиш самарадорлиги (X1), ўқувчиларнинг таълимдан қониқиши (X2), ўқувчиларнинг муваффақият мотивацияси (Y), ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси (Z) ўзгарувчан омилларининг ўқувчилар учун муҳим эканлиги кўрсатиб ўтилган. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг билим ва кўникмаларига қўйиладиган миллий ва халқаро стандартлар солиштирилган. Ўрганишларда ўқувчиларга қўйиладиган касбий кўникмаларининг талабларни ҳар хиллиги аниқланган, шу билан бирга, умумий талаблардаги ўхшашликлар аниқланган. Касбий кўникмалар борасида таълим стандартларининг аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

Таълим сифати тушунчаси ва таълим сифатига қўйиладиган талаблар йилдан йилга ўзгариб ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда таълим сифати ўтган асрдаги каби ўқувчида фақат “ўқиш, ёзиш ва ҳисоблаш (арифметика)” эмас, балки касбий билим ва компетенцияларни ҳам шакллантиришга қаратилган. Таълим сифати ўқувчига шахс, оила ва жамият аъзоси ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг бир қисми сифатидаги таълимни акс эттириши керак бўлмоқда. Шунга кўра, тадқиқотда таълим сифатига таъсир қилувчи омиллар ўрганилган ва таълим сифатини ошириш фақат тўғри ва ўз вақтида амалга оширилган тадбирлар билан мумкинлиги, бажариладиган ишларнинг самарадорлиги таълим сифатига таъсир этувчи омилларни билишни талаб этиши, таълим сифати таълим натижалари билан ўлчанар экан, бу натижаларга таъсир қилиши мумкин бўлган омилларни аниқлаш лозимлиги, шу нуқтан назардан таълим сифатига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш комплекс ёндашувни талаб қилиши ўрганилган.

Иккинчи боб “Умумий ўрта таълим муассасалари битирувчилари эгаллаши лозим бўлган компетенцияларни меҳнат бозори талаблари асосида шакллантириш механизмларини такомиллаштириш” деб номланиб, унда ўқувчиларни касбга тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш, мустақил ҳаётда зарур бўладиган билим ва кўникмаларни шакллантириш, ўқувчиларни замонавий билим ва кўникмаларга тайёрлаш-ўқитиш модели ва унда таълимни бошқаришнинг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилган, бу борада ўрганишлар олиб борилган. Ўқувчиларни касбга йўналтиришда меҳнат бозорининг истиқболи билан боғлиқ яқин келажакда (5–10 йилликда) касб турларининг ўзгариши ва баъзи касбларнинг эскириши ёки умуман йўқолиб кетиши, технологияларнинг ривожланиши билан


инсон ресурсларига бўлган талабнинг ўзгариши, мутахассисликлар бўйича ҳам янги трендлар ва янги касбий кўникмаларга талаблар ортиб бораётганлиги ҳақида атрофлича маълумотлар бериб ўтилган. Бундан келиб чиқиб, битирувчиларни касбга тайёрлашда Буюк Британиянинг – либерал иқтисодиётга асосланган модели (бозор модели), Франциянинг – давлат бюрократиясига асосланган ва амалиётда мактабларга асосланган модели, Германиянинг – давлат ва компаниялар учрашадиган, натижада икки томонлама шогирдлик тизими яратиладиган дуалистик корпоратив модели ва бошқа илмий асосланган модель ва механизмлар ҳақида мунозара юритилган.

Мустақил ҳаётда зарур бўладиган -билим (knowledge), кўникмалар (skills), қобилиятлар (abilities) ҳақида маълумотлар берилган ҳамда меҳнат фаолиятида кўникмаларнинг талаб қийматига кўра ўрни ўрганилганда, энг биринчи ўринда коммуникация (алоқа) компетенцияси ўрин олган бўлса, ундан кейинги ўринларда жамоада ишлаш ва савдо-хизмат кўрсатиш кўникмалари ўрин олган. Шунингдек, замонавий иш берувчилар истайдиган муҳим билим ва кўникмалар кўриб чиқилган. Саноат 4.0 билан бирга таълим эволюцияси ва касбга ўқитиш механизмлари ҳақида маълумотлар берилган. Юқоридаги билимлар ҳамда умумий ўрта таълим муассасалари, ҳудудий бошқарув идоралари, маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва халқаро ташкилотларнинг ёндашувларидан келиб чиқиб ўқувчиларни касбий кўникмаларга йўналтириш модели яратилди, унинг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилди. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини касбга ўргатишни ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш ҳақида атрофлича мисоллар кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқотда умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларида касбий кўникма орқали энг муҳим компетенцияни шакллантириш модели ифодаланган бўлиб, унда компетенцияларни ривожлантириш технологиялари орқали битирувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш имконияти яратилади (1-расмга қarang).

Шунингдек, мазкур бобда битирувчилар учун энг муҳим кўникмалардан бири бўлган касбий кўникмага таъриф берилган. Ушбу таърифга кўра, **касбий кўникма** – ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида меҳнат бозори ва инсон ресурсларига бўлган талабни эътиборга олган ҳолда, таълим жараёнида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини таянч фанлар билан биргаликда амалий касб кўникмаларини шакллантириш, олган билим, кўникма ва компетенцияларини ҳаётда қўллай олишдир.

Ушбу расмда умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларида касбий кўникма орқали энг муҳим компетенцияни шакллантириш модели ифодаланган бўлиб, унда компетенцияларни ривожлантириш технологиялари орқали битирувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш имконияти яратилади.



1-расм. Умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларида касбий кўникмаларни шакллантириш модели


**Умумий ўрта таълим муассасалари битирувчилари эгаллаши лозим бўлган компетенцияларни ҳаётда қўллаш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари
(касбга йўналтириш мисолида)**

Йўналишлар	Тадқиқотгача бўлган даврдаги ҳолати	Тадқиқот натижасида берилган тақлифлар	Амалиётга жорий этилиши
<p align="center">1. Мактаб таълими жараёнида касбга йўналтириш</p>	<p>Таълим жараёнида 21 та фандан 2 тасида (технология ва информатика) касбга йўналтирилган таълим берилган. Сифт соати (тарбиявий соат) ва психолог суҳбатларида касбга йўналтириш бўйича тавсиялар бериб борилади.</p> <p>Бирок, касбга йўналтиришда ўқув дастурлар ҳаётини (касбий) кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилмаган ва меҳнат бозори инноватга олинмаган.</p>	<p>Таълим жараёнини ҳаёт билан яқинлаштириш, яъни умумий ўрта таълим мактабларида ўқув дастури ва дарсликлариди меҳнат бозори талабларини инобатга олган ҳолда касбий кўникмаларни шакллантириш орқали аниқ ва табиий фанларда (математика, кимё-биология, физика) ўқувчиларини эгаллаган компетенцияларини ҳаётда қўллай олишга ўргатиш.</p>	<p>Таълим жараёнида касбга йўналтиришда аниқ ва табиий фанларнинг ўқув дастурларида касбий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган тушунича, билим, малака ва компетенцияларга асосланган ўқув дастурларга ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, аниқ ва табиий фанларда ўқувчиларини мустақил ҳаётга тайёрлаш учун касбий кўникмаларини бериб боришга алоҳида урғу берилди.</p>
<p align="center">2. Ўқувчиларини касбга йўналтиришда илмий жиҳатларини такомиллаштириш</p>	<p>Ўқувчиларини касбга йўналтириш давлат таълим стандартлари ва миллий ўқув дастури асосида амалга оширилган.</p> <p>Мактаб ўқувчиларини касбга йўналтириш бўйича олиб борилган илмий ишларда замонавий талаблар етарлича очиб берилмаган, ўқувчиларини касбга йўналтиришда касбий кўникмаларини таянч фанлар билан боғлиқликда шакллантириш метод ва моделлари ишлаб чиқилмаган.</p>	<p>Мактаб ўқувчиларини касбга йўналтиришда таянч фанлар билан ўзаро боғлиқликда олиб борилиши ва касбий кўникмаларини шакллантиришда олган билимларини ҳаётда қўллай олиш жиҳатларига қатта эътибор қаратиш лозим. Бунида Германиянинг дуал таълим тизими, Япониянинг “Фан ва таълим” ўқитиш методлари ва бошқа хорижий тажрибаларини кенг ўрганиш орқали илмий жиҳатларини таълим жараёнига татбиқ этиш.</p>	<p>Мактаб ўқувчиларини касбга йўналтиришда илмий жиҳатларини такомиллаштиришда ўқувчиларини касбга йўналтиришда таянч фанлар билан ўзаро боғлиқликда олиб борилиши ва касбий кўникмаларини шакллантиришда олган билимларини ҳаётда қўллай олиш жиҳатларини инобатга олган ҳолда ўқитиш методлари ва бошқа хорижий тажрибаларини кенг ўрганиш орқали ўқув дастурларига қўшимчалар киритилди.</p>

Умумий ўрта таълим муассасалари битирувчилари эгаллаши лозим бўлган компетенцияларни ҳаётда қўллаш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари
(касбга йўналтириш мисолида)

Йўналишлар	Тадқиқотгача бўлган даврдаги ҳолати	Тадқиқот натижасида берилган тақлифлар	Амалиётга жорий этилиши
3. Ўқувчиларнинг касбий лаёқатини аниқлаш (диагностика)	<p>Мақтаб психологлари томонидан анъанавий анкета ва тест саволлари асосида 9-синф ўқувчиларининг касбий лаёқатини аниқланган ва унинг натижаларини асосида ўқувчи ва ота-оналарга тавсиялар берилди. Бу эса, ўқувчиларнинг касбий лаёқатини тўлиқ аниқлаш имконини бермайдди, касбий лаёқатини аниқлаш бўйича тест натижаларини ҳар доим ҳам ўқувчи ва ота-онанинг маънафатларига мос келмайдди. Қолаверса, бу жараёнга масъул бўлган психологлارнинг аксарияти номутахассис (<i>маълумот учун: 10 118 та мактабдан 6 412 таси номутахассис</i>)</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқувчиларнинг касбий лаёқатини аниқлаш бўйича диагностика жараёнини эртароқ бошлаб, 3 босқичда (1-босқич 5-синфда, 2-босқич 7-синфда, 3-босқич 9-синфда) ташкил этиш. 2. Касбий лаёқатини аниқлаш бўйича халқаро тажрибадан (Германия, Англия, Туркия) фойдаланиш. 3. Касбий лаёқатини аниқлашга кўмаклашувчинини ва касблар ҳақида маълумот берувчи портал яратиш (http://kasb.maktab.uz) 4. Умумий ўрта таълим муассасаларида Касбга йўналтириш мутахассисини лавозимини жорий этиш. 	<p>Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг касбий лаёқатини аниқлаш бўйича диагностика жараёнини 3 босқичда ташкил этиш бўйича халқаро тажрибага асосланган механизм йўлга қўйилди.</p> <p>Касбий лаёқатини аниқлашга кўмаклашувчи ва касблар ҳақида маълумот берувчи http://kasb.maktab.uz портали яратилди, ишга туширилди.</p> <p>Бунда, ота-оналарга фарзандининг касбий лаёқатини аниқлаш бўйича тест саволлари киритилди.</p> <p>2023–2024 ўқув йилидан бошлаб Умумий ўрта таълим муассасаларида Касбга йўналтириш мутахассисини лавозимини жорий этилади.</p>
4. 10–11-синф ўқувчиларини касб ўргатиш жараёни	<p>2021 йилга қадар 10–11-синф ўқувчиларини Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларига жалб этилган. Бундай имконият бўлмаган олис ҳудудлардаги мактабларда ўқитувчилар назарий машғулотлар олиб борган.</p> <p>Бу эса, ўқувчиларни касбга йўналтиришда тўлиқ камраб олиш имкониния бермаган. Қолаверса, Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида машғулотлар самарали ташкил этилмаганлиги, ўргатилаётган касбларнинг жозибали рағбатлиги, меҳнат бозорини талабни илобатта олинмаганлиги сабабли ўқувчиларни жалб этишда (давомат) муаммолар юзага келган, ўқувчиларда касб ўрганишга бўлган иштилоқ жуда суст бўлган.</p> <p>Мажмуани тугатиш якунида берилган диплом миллий малака рафқасида бўлмагани бонис, иш берувчилар томонидан тан олинмаган.</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. 10–11-синф ўқувчиларини 3 та йўналишда касбга йўналтириш тизимини жорий этиш: 1-йўналишда туман (шаҳар) ларининг ижтимоий-иқтисодий хусусиятидан келиб чиқиб, ишчи касбларга ўргатиш (64 та касб); 2-йўналишда “Ёшлар келажакимиз” дастури асосида тадбиркорлик ва бизнес лойиҳаларига ўргатиш (21 та касб); 3-йўналишда “Креатив индустрия” йўналишини АКТ мутахассисларини тайёрлаш (10 та касб); 2. Ўқувчилар касб ўрганиш билан бирга даромад топиш имкониятини яратиш. 3. Мактабларда ўргатилаётган касблар бевоисита иш берувчилар буюртмаси асосида мақсадли тайёрлаш. 	<p>Умумий ўрта таълим мактабларида 10–11-синф ўқувчиларини учун касблар рўйхати тасдиқланди.</p> <p>Шунингдек, 10–11-синф ўқувчиларини 3 та йўналишда касбга ўргатиш тизими жорий этилди. Бунда, Профессинал таълим муассасаларини, Мономарказ ва Ўқув марказларини мактабларга олиб кирган ҳолда касб ўргатиш, “Ёшлар келажакимиз” дастури асосида тадбиркорлик ва бизнес лойиҳаларига ўргатиш, мактабларда “Креатив индустрия” йўналишини АКТ мутахассисларини тайёрлаш йўлга қўйилди.</p> <p>Мақтабада касб ўрганиш билан бирга даромад топиш имконияти яратилди.</p> <p>Касбга ўргатиш марказларини тугатган битирувчиларга Миллий малакалар рафқаси доирасида 2-даражали сертификат берилди.</p>

